

Муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари «Умнат олдидаги хизматлари учун» ордени билан тақдирланди



19:59 / 30.11.2023 1080

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Шимолий Кавказ мусулмонларини мувофиқлаштириш маркази раиси, муфтий Исмоил Бердиев томонидан «**Умнат олдидаги хизматлари учун**» ордени билан тақдирландилар.





Маълумот ўрнида «**Умнат олдидаги хизматлари учун**» ордени Шимолий Кавказ мусулмонларини мувофиқлаштириш маркази томонидан 2007

йилда таъсис этилган. Мазкур орден билан Ислом динининг равнақи ва муслмонлар ҳамжамиятини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган дин пешволари, диний муассаса раҳбарларига тақдим этилади.

Аллоҳ таоло ушбу мукофотни муборак қилсин!